ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-3

СУРУНКАЛИ ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР АСОСИДАГИ ДИЕТОТЕРАПИЯНИНГ САМАРАСИ

Шамуратова Н.Ш., Омонова Д.У.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали доценти, PhD
Тошкент тиббиётаАкадемияси Урганч филиали магистри

Аннотация. Мақолада эволюцион ривожланиш жараёнида ҳазм тизимининг маҳаллий шароитларда етиштирилган дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириш хусусиятлари мавжудлиги ва уларнинг кимёвий таркиби турли географик иқлим шароитларда етиштирилган дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибидан юқори туришини маҳаллий аҳоли ўртасида учрайдиган сурункали гепатитларда таъсирини ва бошқа касалликларда ҳам ўз таъсир самарасини аниқлаш нитижалари берилган.

Калит сўзлар: диетотерапия, дон-дуккаклилар, сурункали гепатит, маҳаллий маҳсулотлар, оқ жўхори.

Аннотация. В статье представлены результаты определения влияния пищеварительной системы на хронический гепатит среди местного населения, а также на другие заболевания, в связи с тем, что в ходе эволюционного развития пищеварительная система имеет возможность переваривать злаковые и бобовые культуры, выращенные в местных условиях, а их химический состав выше, чем у злаковых и бобовых культур, выращенных в иных географических и климатических условиях.

Ключевые слова: диетотерапия, бобовые, хронический гепатит, местные продукты, сорго

Abstract. The article presents the results of determining the influence of the digestive system on chronic hepatitis among the local population, as well as on other diseases, due to the fact that in the course of evolutionary development, the digestive system has the ability to digest cereals and legumes grown in local conditions, and their chemical composition is higher than that of cereals and legumes grown in other geographical and climatic conditions.

Key words: diet therapy, legumes, chronic hepatitis, local products, sorghum.

Долзарблиги: Айрим минтақавий ва худудий жойлашишлар кўламида парҳез овқатланишни уюштириш муаммосига бевосита дахлдор хамда эътиборга молик омиллар қаторида экологик ҳолат алоҳида ўрин тутади. Чунки, экологик нохуш шароитдаги муайян минтақа ва худудларда унда яшовчи аҳолининг овқатланишини уюштиришга салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар вужудга келади. Бундай ҳолатни минтақалараро парҳез овқатланиш масалаларини хал этишда назарда тутиш лозим. Мазкур вазифалар экологик нохуш минтақаларда, чунончи Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган диетолог-шифокорларга таалуқлидир.

Мақсад: Эволюция жараёнида ҳазм тизимининг маҳаллий шароитларда етиштирилган дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириш хусусиятларини мавжудлиги ва уларнинг кимёвий таркиби турли географик иқлим шароитларда етиштирилган дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибидан юқори туришини маҳаллий аҳоли ўртасида учрайдиган сурункали гепатитларда таъсирини кузатишни мақсад қилиб олдик.

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-3

Текшириш материаллари ва усуллари: Кузатишларимиз давомида оқ жўхорининг сурункали гепатитлар диетотерапиясида қўллаш самарали натижани беради. Чунки оқ жўхори (сорго) таркибидаги оқсил (10,6г) ва углеводлар (59,6г) миқдорининг кўплиги унинг озуқавий сифатини белгилайди. Оқ жўхори (сорго) таркибидаги полифенолли бирикмалар (кучли антиоксидантлар) инсон танасини, хусусан жигарни салбий атроф–муҳит омилларидан, спиртли ва тамаки таъсиридан ҳимоя қилади ва қаришга қарши таъсир кучига эга. *О*қ жўхори (сорго) таркибидаги РР (3,30мг) ва биотин (42мкг) витаминлари метаболик жараёнларни яхшилайди, ёғларни ва ёғ кислоталарнинг ҳазм қилишни яхшилайди, стероид гормонлари, аминокислоталар ва витаминлар синтезини рағбатлантиради.

Бу эса жигарни ёғ босишига қарши таъсирини кўрсатади. Шиш симптомини бартараф қилишда ҳам оддий оқ жўхори (сорго) жуда яхши диуретик ҳисобланади. Бундан ташқари целиакия касаллиги (буғдой глютен оқсилига аллергия) ташхиси бор беморлар овқат рационига тавсия этилади, чунки оддий оқ жўхори (сорго) таркибида глютен оқсили йўқ**.**

Гуручнинг шифобахш ва фойдали хусусиятлари жуда кўп ва ўзига хос. Чунки, у сувда ўсадиган асосий ягона бошоқли ўсимлик шолидан олинади.

Бошқа бошоқли ўсимликларга нисбатан гуруч таркибида калий ва фосфор, углеводлар, витаминлар ва минерал моддалар кўп.

Гуруч оқилона овқатланувчи ҳамда фаол ҳаёт кечирувчилар учун ажойиб неъмат ҳисобланади. Унинг таркибида 78 фоизгача углеводлар мавжуд бўлиб, тиамин-В1, рибофлавин-В2, ниацин-В3, В6, Е витаминларига бой. Углеводлар инсон организмидаги энергияни сақлаган ҳолда ортиқча ёғ ва қанд моддасини ҳамда асаб тизими фаолиятини меъёрлаштиришга ёрдам беради.

Калий моддасига бойлиги боис организмга бошқа маҳсулотлар билан тушадиган туз миқдорини меъёрлаштиради. Шунингдек, фосфор, рух, темир, кальций ҳамда йод моддаларининг организмда модда алмашинувини меъёрлаштиришда, тишларнинг мустаҳкам бўлиши, бош мия фаолиятини бошқаришдаги аҳамияти ниҳоятда катта. У оқсилларни организмга сўрилишини тезлаштиради.

Гуруч таркибида умуман туз бўлмаганлиги сабабли уни юрак қон-томир, буйрак етишмовчилиги касалликлари бор бўлган ҳамда ортиқча вазндан қутулишни истаган кишиларга ҳам озуқа сифатида тавсия этилади. Сурункали гепатитларда гуруч билан сариёғ ейиш тавсия этилади.

Қандли диабет касаллигида қора ловиядан 250 г, ошқовоқдан 250 г, гуручдан 150 г олиб қайнатиб ичиш тавсия қилинади.

Хулоса: *Ўтказилган текшириш ва кузатувларимиз давомида и*нсон организми турли экологик иқлим шароитларида етиштирилган дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларини яхши қабул қилмаслигини, организм ўзиникини ўзганикидан фарқлашини, ўзимизда етиштириладиган дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларини иқтисодий жиҳатдан ҳам арзон тушишини ҳисобга олиб, парҳезда маҳаллий маҳсулотларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади деган хулоса чиқаришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kalandarova, G. D., & Sh, S. N. (2023). THE LAWS OF CORRECT DIET AND THE CONSEQUENCES OF IMPROPER DIET. *Web of Medicine: Journal of Medicine, Practice and Nursing*, *1*(8), 64-67.

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261, 2022-2.889, 2023-5.384, 2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-3

2. Шамуратова, Н. Ш., Зокирходжаев, Ш. Я., & Рузметова, Д. А. (2023). ЖИГАРНИНГ СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАРИДА ДИЕТОТЕРАПИЯДА МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАСИ (Doctoral dissertation, UZBEK JOURNAL OF CASE REPORTS, Узбекистан). *UZBEK JOURNAL OF CASE REPORTS, Узбекистан*.

3. Zokirxodjaev, S. Y., Shamuratova, N. S., Duschanov, B. A., & Xudayberganov, A. S. (2021). Fatty acid composition of grain sorghum lipids and justification of its use in diet therapy for chronic liver diseases. *Central Asian Journal of Medicine*, *2021*(1), 58-63.

4. ШАМУРАТОВА, Н., РУЗИМОВ, Х., & РУЗМЕТОВА, Д. (2023). БИОЛОГИЧЕСКАЯ И ДИЕТИЧЕСКАЯ ЦЕННОСТЬ ЗЕРНОВОЙ ПРОДУКЦИИ СОРГО ПО АМИНОКИСЛОТНОМУ СОСТАВУ ПРИ НЕКОТОРЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ.

5. Зокирходжаев, Ш. Я., Худойберганов, А. С., Дусчанов, Б. А., Шомуродова, Н., & Масобиров, Р. П. (2020). Обоснование применения зернового сорго (джугары) в диетотерапии при хронических заболеваниях. *Журнал теоретической и клинической медицины*, (4), 41-45.

6. Шомуротова, Н. Ш., Дусчанов, Б. А., Зокирходжаев, Ш. Я., & Рўзметова, Д. А. (2023). СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЁЗ-КУЗ МАВСУМИДАГИ КУНЛИК ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ.

7. Sh, S. N., Ro'zmetova, O. S., Xusinbayev, I. D., & Sh, A. S. (2024). SURUNKALI BUYRAK KASALLIGIDA GIPOAZOTEMIK DORI VOSITALARINING TA'SIR SAMARADORLIGINI O'RGANISH ORQALI DAVONI MUQOBILLASHTIRISH.

8. Sh, A. S., Turabayeva, M., & Ruzmetova, D. A. (2025). NEMIS TILIDAGI BIR KOMPONENTLI VA KO 'P KOMPONENTLI YURIDIK TERMINLAR TARJIMASI. *Pedagogy*, *1*, 2-4.

9. Атажанов, Ш. Ш. (2023). НЕМИС ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ВАРИАЦИЯСИ. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, *1*(4), 110-112.

10. Ruzmetov, N. A., A. B. Samadova, and Q. F. Abdullayev. "DIAGNOSIS OF KIDNEY DAMAGE AND CHRONIC KIDNEY DISEASE AFTER LIVER DISEASES AMONG THE POPULATION OF KHOREZM REGION." Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali 2.56 (2024): 235-240.

11. Палванова, У., Якубова, А., & Юсупова, Ш. (2023). УЛЬТРАЗВУКОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПРИ СПЛЕНОМЕГАЛИИ. Talqin va tadqiqotlar, 1, 21

12. Sadullaev, S. E., Bobajanov, A. O., Khusinbayev, I. D., Durdiev, E. S., & Ismoilova, A. R. (2025). PSYCHOLOGICAL REHABILITATION DURING THE CORONAVIRUS PANDEMIC. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 5(2), 429-433.

13. Ismailov, K. (2023). SALOMATLIKNI ASRASHDA SOG'LOM TURMUSH TARZINING O 'RNI. " Science Shine" International scientific journal, 1(2).

14. Шамуратова, Н. Ш., Рузметова, Д. А., Саттарова, Н. А., & Нуруллаев, С. Х. (2024). ЖИРОНОКИСЛОТНЫЙ СОСТАВ ЛИПИДОВ ЗЕРНОВОГО СОРГО (SORGHUM) ВИДА «КАТТА-БАШ». International Journal of Education, Social Science & Humanities, 12(4), 1238-1245.